

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСТИНИНГ
ҚАРОРИ

**ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 июнда рўйхатдан
ўтказилди, рўйхат рақами 2893]

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати қарор қиласди:

1. Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/7-сон «Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги **қарори** (рўйхат рақами 2796, 2016 йил 8 июн) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 23-сон, 277-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Олий аттестация комиссияси раиси А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 31 май,
239/3-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси
Raёsatining 2017 йил 31 майдаги 239/3-son қарорига
ИЛОВА

**Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида
НИЗОМ**

Олдинги таҳрирга қаранг.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги **Қонуни**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги **Фармони** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий таълимдан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 22 майдаги 304-сон «Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ фалсафа доктори (Doctor of Philosophy, PhD) ва фан доктори (Doctor of Sciences, DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгаш (бундан бўён матнда Илмий кенгаш деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.

(муқаддима Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 марта 295/8-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳририда — Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон)

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Олдинги таҳрирга қаранг.

Илмий кенгаш — муайян фан тармоғининг (тармоқларининг) тегишли ихтиносликлари йўналишида талабгорлар учун кўзда тутилган аттестация тадбирларини амалга оширишни ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (бундан бўён матнда ОАК деб юритилади) қарори билан етакчи илмий ёки таълим ташкилоти ҳузурида муайян муддат давомида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиш учун тузилган илмий-ташкилий тузилма;

(1-банднинг иккинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

изланувчи — фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун докторлик диссертациясини тайёрлаётган шахс;

талабгор — диссертацияси химоя учун Илмий кенгашга қабул қилинган ва аттестация иши кўрилиш жараёнида бўлган шахс;

аттестация иши — талабгорнинг илмий даражасини тасдиқлаш юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар тўплами;

диссертация — муалиф томонидан шахсан олиб борилган, тадқиқот моҳияти тегишли талабларга жавоб берган, тугалланган ва мазмунан яхлит илмий иш сифатида илмий янгилиги ва амалий натижалари тизимли равишда асослаб берилган қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар;

диссертация автореферати — диссертация тадқиқоти юзасидан умумий маълумотлар келтирилиб, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тизимли равишда умумлаштирилган ҳолда қисқача баён қилинган ҳамда нашр этилган ишлар юзасидан маълумотлар берилган ва белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилган қўлёзма ҳуқуқига эга бўлган илмий асар;

Олдинги таҳрирга қаранг.

диссертация бажарилган муассаса — илмий ёки таълим ташкилоти кенгаши қарори билан диссертация мавзуси бўйича тадқиқот олиб бориш учун масъул муассаса сифатида тасдиқланган муассаса;

(1-банднинг саккизинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

экспертиза — ҳужжатларнинг моҳияти ва амалга оширилган аттестация тадбирларининг тегишли қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини илмий ва меъёрий-техник жиҳатдан баҳолаш;

(1-банднинг тўққизинчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 июлдаги 16-мҳ-сонли бўйруғи (рўйхат рақами 3313, 28.07.2021 й.) таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон)

Илмий даражা берувчи бир марталик илмий кенгаш (бундан бўён матнда Бир марталик илмий кенгаш деб юритилади) — фақат битта фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) диссертацияси химоясини ташкил қилиш учун ОАК қарори билан тузилган вақтинчалик илмий-ташкилий тузилма;

Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар (бундан бўён матнда Илмий семинар деб юритилади) — диссертацияни яқуний дастлабки экспертизадан ўтказадиган семинар;

диссертация химояси — тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги, хуносалари, тавсияларининг тўғрилиги ва асосланганлиги, диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти, талабгорнинг фанга қўшган ҳиссаси бўйича Илмий кенгашда илмий жамоатчилик олдида ўтказиладиган муҳокама;

илмий раҳбар — илмий изланишлар олиб бораётган изланувчига илмий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида белгиланган тартибда тайинланган, фаол тарзда илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб борувчи фан доктори, шунингдек илмий унвонга эга бўлган фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD);

Олдинги таҳрирга қаранг.

илмий консультант — фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун илмий изланишлар олиб бораётган изланувчига илмий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш мақсадида белгиланган тартибда тайинланган, фаол тарзда илмий ва илмий-педагогик фаолият олиб борувчи фан доктори;

(1-банднинг ўн тўртинчи хатбоиси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартағи 295/8-сонли қарори* (рўйхат раҳами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳририда — *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон*)

жамоавий такриз — ОАК томонидан юборилган диссертацияни кўриб чиқиши натижалари юзасидан Илмий кенгашнинг қўшимча хulosаси;

ҳисоб комиссияси — Илмий кенгаш мажлисида Илмий кенгаш аъзолари томонидан талабгорга илмий даража бериш бўйича ёпиқ овоз бериш асосида муносабат билдириш жараёнини ташкил этиш юзасидан мазкур Илмий кенгаш қарори билан тузилган вақтинчалик ишчи гурӯҳ;

апелляция — илмий даражалар бериш ёки уларни рад қилиш ёхуд илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш тўғрисидаги қарорлар юзасидан берилган мурожаат.

2. Илмий кенгаш диссертациялар экспертизасининг сифати, холислиги, диссертация ҳимояси учун зарур шароит яратилиши ва қабул қилган қарорларининг асослилиги учун масъул ҳисобланади.

2-боб. Илмий кенгашни тузиш, унинг фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиши

Олдинги таҳрирга қаранг.

3. Ўз ҳузурида Илмий кенгаш тузиш учун илмий ёки таълим ташкилоти қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

(3-банднинг биринчи хатбоиси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарори* (рўйхат раҳами 2893-5, 27.01.2022 й.) таҳририда — *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон*)

штатида муайян фан тармоғида тан олинган ютуқларга, илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга самарали жорий қилишга эришган, тегишли йўналишлар бўйича етарли илмий салоҳиятга — камида 2 нафар фан доктори ҳамда сифатли олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар мавжудлиги;

штатида муайян фан тармоғи бўйича давлат грантлари ва халқаро грантлар, илмий лойиҳаларни (хўжалик шартномалари асосидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари ва бошқаларни) бажаришда иштирок этаётган ҳамда ҳавола қилинаётган илмий ишлари, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг нуфузли ихтисослашган илмий журналларида нашр қилинган илмий ишлари мавжуд бўлган ходимлар бўлиши;

тегишли йўналишлар бўйича доимий ишлаб турган илмий семинарларга, республика ва халқаро миқёсдаги конференция, семинар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш тажрибасига эга бўлиши;

Олдинги таҳрирга қаранг.

олий таълимдан кейинги таълим.

(3-банднинг бешинчи хатбоиси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартағи 295/8-сонли қарори* (рўйхат раҳами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳририда — *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон*)

Олдинги таҳрирга қаранг.

4. Илмий кенгаш етакчи илмий ва таълим ташкилотлари ҳузурида мазкур ташкилотлар ёки муассасалар бўйсунувчи вазирлик ва идораларнинг мурожаатига асосан ОАК томонидан тузилади.

(4-банднинг биринчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

Олдинги таҳтирга қаранг.

Ташкилот ёки муассаса Илмий кенгаш тузиш учун мазкур Низомнинг 3-бандида назарда тутилган талабларнинг барчасига жавоб бермаган тақдирда, тегишли вазирлик ва идораларнинг мурожаатларига асосан, ОАК томонидан илмий ва таълим ташкилотлари ҳузурида, истисно тариқасида, муассасалараро Илмий кенгаш тузилиши мумкин.

(4-банднинг иккинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

Илмий кенгашнинг таркиби, шу жумладан унинг раиси, раис ўринbosари (ўринbosарлари) ва илмий котиби тегишли вазирлик ва идораларнинг мурожаатига асосан ОАК томонидан муқобиллик асосида тасдиқланади. Илмий кенгаш ихтисосликлари бўйича етакчи мутахассис-олимлар — фан докторлари Илмий кенгаш раиси ва ўринbosари (ўринbosарлари) этиб тайинланади.

Олдинги таҳтирга қаранг.

Илмий кенгаш ихтисослиги бўйича илмий даражага эга бўлган ҳамда Илмий кенгаш тузилаётган илмий ёки таълим ташкилотида штат асосида ишлайдиган мутахассис ОАК томонидан Илмий кенгаш илмий котиби этиб тайинланади.

(4-банднинг тўртингчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

5. Вазирлик ва идораларнинг мурожаатида Илмий кенгаш тузиш зарурати асослаб берилади ва унга мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги Илмий кенгаш таркибига киритиш кўзда тутилаётган шахслар тўғрисидаги маълумот ҳамда ушбу шахсларнинг объектив-маълумотномалари илова қилинади. Илмий кенгашнинг раиси, раис ўринbosари ва илмий котиблигига камида учтадан номзод кўрсатилиши лозим.

6. Илмий кенгаш аъзолари, қоида тариқасида, камида 9 нафар ва кўпи билан 21 нафар аъзодан иборат таркибда шакллантирилади.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоясини ўtkазиш ҳуқуқига эга.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш таркибига Илмий кенгаш ҳар бир ихтисослигининг тегишли фан тармоғи бўйича камида 5 нафар фан доктори киритилади. Истисно тариқасида, Илмий кенгаш илмий котиби сифатида фаол илмий фаолият олиб бораётган ва катта илмий-амалий тажрибага эга бўлган фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенгглаштирилган бошқа илмий даражага эга мутахассис (бундан буён матнда фалсафа доктори (PhD) деб юритилади) киритилиши мумкин.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи илмий кенгаш таркибига Илмий кенгаш ҳар бир ихтисослигининг тегишли фан тармоғи бўйича камида 5 нафар илмий даражага эга бўлган мутахассис киритилади. Бунда фан докторлари сони Илмий кенгаш аъзоларининг ярмидан кам бўлмаслиги лозим.

Олдинги таҳтирга қаранг.

Юридик фанлар ва исломшунослик фанлари бўйича Илмий кенгаш таркибига, эксперимент тариқасида, илмий даражага эга бўлмаган юқори малакали ва тажрибали амалиётчи мутахассислар киритилиши мумкин. Бунда уларнинг сони Илмий кенгаш ҳар бир

ихтисослигининг тегишли фан тармоғи бўйича аъзолари умумий сонининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

(6-банднинг бешинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 28 июндаги 254/10-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-2, 16.07.2014 й.) таҳририда — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.07.2018 й., 10/18/2893-2/1522-сон)

7. Зарур ҳолларда, Илмий кенгаш таркибига Илмий кенгаш ихтисосликларига яқин ихтисослик бўйича илмий даражага эга бўлган шахслар ҳам киритилиши мумкин.

Бир шахс фақат битта фан тармоғининг битта ихтисослиги бўйича Илмий кенгашга киритилади ҳамда кўпли билан иккита Илмий кенгаш аъзоси бўлиши мумкин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Илмий кенгаш аъзолигига тавсия этилаётган шахслар охирги 3 йил ичидаги камида 5 та илмий иш нашр эттирган бўлиши шарт. Мазкур талаб юридик фанлар ва исломшунослик фанлари бўйича Илмий кенгаш аъзолигига тавсия этилаётган илмий даражага эга бўлмаган ўқори малакали ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга нисбатан татбиқ этилмайди.

(7-банднинг учинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 28 июндаги 254/10-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-2, 16.07.2014 й.) таҳририда — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.07.2018 й., 10/18/2893-2/1522-сон)

8. ОАК Раёсати ва ОАК эксперт кенгашларининг аъзолари Илмий кенгаш таркибига киритилмайди.

ОАК Раёсати аъзолари Илмий кенгашлар мажлисларида ва улар қошидаги Илмий семинарларда иштирок этишлари мумкин.

Илмий кенгаш раиси Илмий кенгаш фаолиятида иштирок эта олмаган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча раис ўринбосарларидан бири бажаради.

9. Илмий кенгаш таркиби 3 йил муддатга тасдиқланади. Илмий кенгаш таркибининг камида 15 фоизи ҳар йили белгиланган тартибда янгиланиши зарур.

Илмий кенгаш аъзоси Илмий кенгаш таркибидаги сурункасига икки муддатдан ортиқ ишлаши мумкин эмас.

Илмий кенгаш таркибидан чиқарилган аъзолар унинг таркибига 1 йил ўтгандан кейин қайта киритилиши мумкин.

Илмий кенгаш раиси, раис ўринбосари (ўринбосарлари) ва илмий котиби тегишли вазифани 3 йил муддатга бажаради. Зиммасига юклатилган вазифаларни сифатли бажараётган Илмий кенгаш раиси, раис ўринбосари (ўринбосарлари) ва илмий котиби ўз вазифасини кейинги муддатда тегишли вазирлик ёки идоранинг мурожаатига асосан ОАК Раёсатининг қарори асосида давом эттириши мумкин.

10. Илмий кенгаш ихтисосликлари рўйхати ва Илмий кенгаш раиси тегишли вазирлик ва идораларнинг мурожаати ёки ОАК эксперт кенгашининг тавсиясига асосан ОАК томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Олдинги таҳрирга қаранг.

11. Илмий кенгаш таркиби Илмий кенгаш раисининг Илмий кенгаш тузилган илмий ёки таълим ташкилоти раҳбари билан келишилган мурожаати асосида ОАК томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бунда ўзгартиришлар аниқ кўрсатилиши, асослаб берилиши, шунингдек субъектив хусусиятга эга бўлмаслиги лозим.

(11-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

12. Диссертация ихтисослиги ёки тегишли фан тармоғи бўйича Илмий кенгаш бўлмаган тақдирда, диссертация бажарилган муассаса диссертацияни дастлабки экспертизадан ўтказиб, диссертация ихтисослиги яқин келувчи Илмий кенгашга, бундай Илмий кенгаш бўлмаганда эса, тўғридан-тўғри ОАКга Бир марталик илмий кенгаш тузишни сўраб мурожаат қиласи.

13. Бир марталик илмий кенгаш тузиш бўйича мурожаатга мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги Бир марталик илмий кенгаш таркибида киритиш кўзда тутилаётган шахслар тўғрисидаги маълумот ва ушбу шахсларнинг объектив-маълумотномалари ҳамда мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган ҳужжатлар илова қилинади.

14. Диссертация бажарилган муассаса Бир марталик илмий кенгаш тузиш бўйича Илмий кенгашга мурожаат қилганда, тақдим этилган ҳужжатлар Илмий кенгаш раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади.

Кўриб чиқиш натижалари ижобий бўлган тақдирда, Илмий кенгаш томонидан Бир марталик илмий кенгаш тузиш зарурлиги асослантирилиб, ОАКга мурожаат қилинади.

15. Тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган тартибда ОАК томонидан кўриб чиқилиб, Бир марталик илмий кенгаш тузишнинг мақсадга мувофиқлиги ёхуд мақсадга мувофиқ эмаслиги бўйича хулоса берилади.

ОАК томонидан Бир марталик илмий кенгашни тузиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, диссертация бажарилган муассаса ёки Илмий кенгаш мурожаатига мувофиқ ОАК қарори билан Бир марталик илмий кенгаш таркиби, шу жумладан раиси, раис ўринбосари (ўринбосарлари) ва илмий котиби тасдиқланади.

16. Бир марталик илмий кенгаш камида 11 нафар ва қўпи билан 15 нафар аъзодан иборат таркибда Илмий кенгаш таркибини шакллантириш бўйича мазкур Низомда белгиланган тартибда тузилади. Зарур ҳолларда, Бир марталик илмий кенгаш таркиби диссертация ихтисослигига яқин фан соҳалари бўйича илмий даражага эга бўлган шахслардан иборат таркибда тузилиши мумкин.

Диссертация бўйича етакчи ташкилот ва расмий оппонентлар ОАК томонидан тавсия этилиши мумкин.

17. ОАК томонидан Бир марталик илмий кенгашни тузиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганда, тегишли Илмий кенгаш ёки муассасага эътиrozлар ва камчиликлар асослантирилган жавоб хати юборилади. Мазкур хатга ОАКнинг тегишли қарори илова қилинади.

ОАК томонидан билдирилган эътиrozлар ва камчиликлар бартараф этилганда, диссертация муассаса ёки тегишли Илмий кенгаш томонидан, ОАК қарори чиқсан кундан эътиборан 6 ой ўтгандан кейин қайта дастлабки экспертизадан ўтказилиб, Бир марталик илмий кенгаш тузишни сўраб тақроран мурожаат қилиниши мумкин.

18. Бир марталик илмий кенгаш фаолияти Илмий кенгаш фаолиятини ташкил этиш бўйича мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Қўйидаги ҳолларда Илмий кенгаш фаолияти ОАК қарори асосида 6 ойгача тўхтатиб турилади:

Олдинги таҳрирга қаранг.

Илмий кенгаш томонидан мунтазам равишда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган ҳамда илмий жиҳатдан савияси паст диссертация ҳимоялари ўтказилиб, Илмий кенгаш томонидан улар юзасидан ижобий хулосалар берилганда;

(19-банднинг иккинчи хатбоюси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 июлдаги 16-мҳ-сонли бўйруғи (рўйхат рақами 3313, 28.07.2021 й.) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон)

Илмий кенгаш фаолияти давомида ҳимоя қилинган иккита диссертацияга ОАК томонидан рад жавоби берилганда;

Илмий кенгаш томонидан диссертация ҳимоясини ўтказиш тартиби сурункасига 2 марта бузилганда.

20. Илмий кенгаш фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисидаги ОАК қарорида унинг фаолиятини тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолат ҳамда йўл қўйилган камчиликлар, шунингдек ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ҳамда тўхтатиб туриш муддати кўрсатилади.

21. ОАК қарорида кўрсатилган муддат ичидаги тегишли камчиликлар бартараф этилгандан сўнг, ОАК қарорига асосан Илмий кенгаш ўз фаолиятини давом эттириши мумкин.

22. Фаолияти илгари бир марта тўхтатиб турилган Илмий кенгаш томонидан мазкур Низомнинг [19-бандида](#) кўрсатилган ҳолатлардан бири такрорланса, бундай Илмий кенгаш фаолияти ОАК томонидан тугатилади. Илмий кенгаш фаолиятини тугатиш ОАК қарори асосида амалга оширилади. Илмий кенгаш фаолияти тугатилган тақдирда, умумий асосларда янгитдан Илмий кенгаш тузилиши мумкин.

3-боб. Кенгаш ишини ташкил этиш

23. Илмий кенгаш қонунийлик, холислик, очиқлик, шаффоффлик ва тезкорлик принциплари асосида ОАК раҳбарлигига фаолият олиб боради. Илмий кенгаш фаолияти муассасанинг веб-сайти орқали ёритиб борилади.

24. Илмий кенгаш ўзи фаолият юритаётган муассасанинг расмий бланки ва Давлат герби тасвири туширилган муҳридан фойдаланади. Муассаса раҳбарияти томонидан Илмий кенгаш фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилади.

25. Илмий кенгаш мажлислари:

диссертацияни ҳимояга қабул қилиш;

диссертация ҳимоясини ўтказиш;

ОАК томонидан юборилган диссертацияни, апелляцияларни, Илмий семинар ҳисоботини кўриб чиқиши;

илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш;

Илмий кенгаш фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан ўтказилиши мумкин.

26. Илмий кенгаш томонидан кўпи билан 4 та ихтисослик ёки фан тармоғи бўйича диссертациялар ҳимояга қабул қилиниши мумкин.

27. Илмий кенгаш мажлисида битта диссертация ҳимояси ёки битта жамоавий тақриз муҳокамаси, кун давомида эса, иккита масала юзасидан мажлис ўтказилиши мумкин. Диссертация ҳимоялари сессия тарзида ОАК руҳсати билан ўтказилади.

28. Илмий кенгаш диссертация ҳимоясини ўтказиш навбатини режалаштиришда, биринчи ўринда, ОАК томонидан қўшимча хulosса олиш учун юборилган диссертацияларни кўриб чиқишига эътибор қаратиши лозим.

29. Илмий кенгаш раиси ҳар йили 10 январга қадар хузурида Илмий кенгаш тузилган муассасага ҳамда ОАКга ўтган йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра мазкур Низомнинг [3-иловасига](#) мувофиқ шаклда Илмий кенгаш фаолияти бўйича ҳисобот беради.

30. Талабгор ўз диссертацияси ҳимоясига оид барча хужжатлар билан танишиш ва Илмий кенгаш раҳбариятидан барча масалалар хусусида малакали ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Илмий кенгашда диссертацияни дастлабки экспертизадан ўтказиш

31. Диссертация бажарилган муассаса томонидан диссертацияни дастлабки экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича ижобий хulosса берилганда, изланувчи томонидан Илмий кенгашга мазкур Низомнинг [2-иловасида](#) келтирилган хужжатлар тақдим этилади.

32. Илмий кенгаш диссертация бажарилган муассасанинг хulosасидан қониқмаган тақдирда, диссертацияни қўшимча равишда экспертизага юбориши мумкин.

Илмий кенгаш томонидан диссертация дастлабки экспертизадан ўтказиш учун қабул қилиб олингандан сўнг, Илмий семинарга юборилади.

33. Изланувчи томонидан хужжатлар топширилган кундан эътиборан фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация 2 ой ичидаги, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация эса 3 ой ичидаги Илмий кенгаш томонидан дастлабки экспертизадан ўтказилади.

34. Диссертацияга холисона хulosса бериш ва Илмий кенгашга диссертацияни ҳимояга қабул қилиш юзасидан асосли тавсиялар бериш учун муайян ихтисослик (ихтисосликлар) бўйича Илмий кенгаш хузурида тузиладиган Илмий семинар масъул ҳисобланади.

Илмий семинар Илмий кенгаш назорати остида фаолият юритади.

Олдинги таҳтирга қаранг.

35. Илмий семинар камида 15 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва илмий котибдан иборат таркибда ОАК билан келишилган ҳолда Илмий кенгаш раиси томонидан 2 йилгача бўлган муддатга тасдиқланади. Бир марталик илмий кенгаш томонидан тузиладиган Илмий семинар таркиби хузурида Илмий кенгаш тузилган илмий ёки таълим ташкилоти раҳбари билан келишилган ҳолда тўғридан-тўғри Бир марталик илмий кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

(35-банднинг биринчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

Илмий кенгаш раиси Илмий семинарнинг таркибига ОАК билан келишилган ҳолда ўзгартириш киритиши мумкин.

Илмий семинар таркибига Илмий кенгаш аъзолари, ОАКнинг тегишли эксперт кенгаши аъзолари, илмий ва илмий-педагогик фаолият кўрсатаётган мутахассис-олимлар ҳамда юкори малакали ва тажрибали амалиётчи мутахассислар киритилади.

36. Диссертация Илмий семинар раҳбарияти томонидан Илмий кенгаш раисининг (ўринбосарининг) йўлланмаси асосида Илмий кенгаш илмий котибидан қабул қилинади ва рўйхатга олинади ҳамда шу куннинг ўзида Илмий семинар аъзоларидан ёки бошқа мутахассис-олимлар орасидан 2 нафар тақризчи тайинланади.

Тақризчилар диссертация билан танишиб чиқиб, тақризларини фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун 15 кун ичида, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун эса 1 ой ичида Илмий семинар илмий котибига тақдим этади. Изланувчи Илмий семинар мажлисидан камида 5 кун олдин Илмий семинар илмий котиби томонидан тақризлар билан таништирилиши лозим.

37. Илмий семинар иши мажлис шаклида ташкил этилади. Мажлиснинг кун тартиби унинг аъзоларига мажлис ўтказилишидан камида 5 кун олдин Илмий семинар илмий котиби томонидан тарқатилади ҳамда Илмий кенгаш фаолият кўрсатиб турган муассаса веб-сайтида эълон қилинади.

Мажлисда Илмий семинарга аъзо бўлмаган мутахассислар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Илмий семинар мажлиси Илмий семинар аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Илмий семинар мажлиси раис, у бўлмагандан раис ўринбосари раҳбарлигида ўтказилади.

Илмий семинар мажлисида илмий котиб иштирок этмаган тақдирда, унинг вазифасини бажариш Илмий семинар раиси томонидан Илмий семинар аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади.

Бир вақтнинг ўзида раис, раис ўринбосари ва илмий котиб бўлмаса, Илмий семинар мажлиси ўтказилмайди.

38. Илмий семинарга раислик қилувчи мажлисни очиш вақтида қайд этиш варақаси асосида Илмий семинар аъзоларини мажлиснинг ваколатлилиги ҳақида хабардор қилиб, изланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда диссертация мавзусини эълон қилиб, Илмий семинар илмий котибига сўз беради.

Изланувчи ҳақида Илмий семинар илмий котиби томонидан қисқача маълумот берилгандан сўнг, диссертациянинг моҳияти ва асосий ҳолатларини баён этиш учун сўз изланувчига берилади.

Изланувчининг маъруzasи тугагач, савол-жавоблардан сўнг, тақризчиларга сўз берилади. Тақризчилардан бири узрли сабабларга кўра келмаган тақдирда, унинг тақризи Илмий семинар мажлисида илмий котиб томонидан тўлиқ ўқиб эшиттирилади. Тақризчиларнинг иккаласи ҳам бўлмаган тақдирда, Илмий семинар мажлисини ўтказиш бошқа вақтга қолдирилади.

Хар бир тақризчининг маъруzasидан сўнг изланувчига сўз берилади.

Диссертация бўйича муҳокамада мажлисда иштирок этаётган барча шахслар қатнашиши мумкин.

Илмий семинар мажлисида раислик қилувчи мазкур диссертация бўйича тушган таклифларни навбатига қараб очиқ овозга қўяди.

Илмий семинарнинг Илмий кенгашга диссертацияни ҳимояга қабул қилиш тўғрисидаги хulosаси мажлисда иштирок этаётган Илмий семинар аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилган тақдирда, қабул қилинган ҳисобланади. Мазкур хulosса «диссертация ҳимояга тавсия этилсин» ёки «диссертацияни қайта ишлаш тавсия этилсин» тарзида берилади. Илмий семинар хulosалари очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва овоз бериш натижалари Илмий семинар баённомасида акс эттирилади. Баённомага Илмий семинар томонидан ишлаб чиқилган Илмий кенгаш хulosаси лойиҳаси ва зарур ҳолларда Илмий кенгаш таркибиға қўшимча аъзолар киритиш бўйича таклифлар илова қилинади.

Агар илмий семинар муайян диссертация бўйича «диссертацияни қайта ишлаш тавсия этилсин» хulosасини қабул қилса, Илмий кенгаш расмий хат билан иш бажарилган муассасага диссертацияни қайтаради (йўлланма хатга изланувчи тақдим этган ҳужжатлар ҳамда илмий семинар томонидан кўрсатилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар илова қилинди). Илмий семинарда кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгандан сўнг диссертация бажарилган муассаса томонидан камида З ойдан кейин диссертация дастлабки экспертизадан ўтказилади ва натижалари бўйича ижобий хulosса берилган тақдирда изланувчи томонидан Илмий кенгашга тегиши ҳужжатлар тақдим этилади.

39. Илмий семинар мажлиси баённомасида диссертация ҳимоясини ўтказиш учун асос бўлган ихтисосликка унинг мувофиқлиги, диссертациянинг илмий савияси, унинг илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг асосланганлиги, эълон қилинган ишларда диссертация натижалари қанчалик тўлиқ баён этилганлиги, илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, изланувчиларга қўйиладиган талабларнинг бажарилганлиги, диссертация ва диссертация авторефератини расмийлаштириш кай даражада бажарилганлиги ҳақидаги хulosса, шунингдек Илмий кенгашга диссертацияни ҳимояга қабул қилиш, расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотни тайинлаш бўйича тавсия акс эттирилади.

Илмий семинар мажлисининг баённомаси раислик қилувчи ва илмий котиб томонидан имзоланади ҳамда Илмий кенгаш фаолият кўрсатиб турган муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади ва унга муассасанинг гербли мухри қўйилади. Илмий семинар баённомасига мажлисда иштирок этган аъзолар ва таклиф этилган шахсларнинг қайд варақаси нусхаси илова қилинади.

Илмий семинар баённомаси изланувчига ва Илмий кенгаш раисига Илмий семинар раиси ёки илмий котиби томонидан берилади.

Илмий семинарда диссертация фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун 1 ой ичида, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун эса 2 ой ичида мухокамадан ўтказилади.

40. Илмий семинар фаолияти мазкур Низомда назарда тутилган талабларга мувофиқ ўтказилмаган ёки Илмий семинарда диссертацияга объектив баҳо берилмаган тақдирда, ОАК томонидан Илмий кенгашга Илмий семинар фаолиятини тўхтатиш ва уни қайта ташкил этиш тўғрисида таклиф берилади.

Илмий семинар раиси ҳар йили 10 декабрга қадар Илмий кенгаш раисига Илмий семинар фаолияти ҳақида ҳисобот тақдим этади. Ҳисобот эркин шаклда ёзилиб, унда Илмий семинарга топширилган ва кўриб чиқилган ишлар юзасидан аниқ маълумотлар келтирилиши керак.

Илмий кенгаш Илмий семинар ҳисоботини ўз мажлисида мухокама қилади ва ўзининг йиллик ҳисоботи билан бирга уни ОАКга тақдим этади.

5-боб. Диссертацияни ҳимояга қабул қилиш

41. Диссертация бўйича Илмий семинарнинг ижобий хulosаси тақдим этилган қундан эътиборан 1 ой ичида Илмий кенгаш томонидан диссертация ҳимояга қабул қилиб олиниши ва бу ҳақда қарор чиқарилиши лозим.

42. Диссертация юзасидан салбий тақриз ва (ёки) хулоса берилган, лекин берилган салбий тақриз ва (ёки) хулосалар изланувчининг аризасига кўра кўриб чиқиш натижасида Илмий кенгаш томонидан асосли эмас, деб топилган тақдирдагина, Илмий кенгашда изланувчининг хоҳишига кўра диссертацияни ҳимояга қабул қилиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

Олдинги таҳтирга қаранг.

43. Диссертация ўз моҳиятига кўра Илмий кенгаш ихтисосликларига тўғри келмаган ёки изланувчи томонидан қонунчилик хужжатлари талабларига мувофиқ бажарилмаган тақдирда, диссертация Илмий кенгаш томонидан ҳимояга қабул қилинмайди. Бунда изланувчига диссертацияни Илмий кенгаш томонидан ҳимояга қабул қиласлик сабаблари кўрсатилган мажлис баённомасидан кўчирма ҳамда изланувчи топширган барча хужжатлар қайтариб берилади.

(43-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 июлдаги 16-мҳ-сонли буйруғи (рўйхат рақами 3313, 28.07.2021 й.) таҳтирида — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон)

44. Илмий кенгашнинг диссертацияни ҳимояга қабул қилиш тўғрисидаги қарори Илмий семинарнинг ижобий хулоасасига асосан очиқ овоз бериш йўли билан мажлисда иштирок этаётган Илмий кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилсагина, қабул қилинган ҳисобланади.

Етакчи ташкилот ва расмий оппонентлар Илмий кенгаш томонидан диссертацияни ҳимояга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин тасдиқланади.

Илмий кенгашда диссертация ҳимояга қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичida диссертация ва диссертация автореферати лойиҳаси Илмий кенгаш томонидан расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотга кузатув хати орқали юборилади.

45. Илмий кенгаш диссертация йўналиши бўйича тадқиқотлар олиб бораётган олимларидан расмий оппонентлар тайинлайди.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация бўйича 2 нафар расмий оппонент тайинланади, улардан бири фан доктори бўлиши керак, иккинчиси эса, фан доктори ёки фалсафа доктори (PhD) бўлиши мумкин. Расмий оппонентларнинг 1 нафари ҳимоя ўтаётган Илмий кенгаш аъзоси бўлиши керак.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация бўйича фан докторлари ёки профессорлар орасидан 3 нафар расмий оппонент тайинланади, бунда улардан 1 нафари ҳимоя ўтаётган Илмий кенгаш аъзоси бўлиши керак. Айрим ҳолларда, истисно тариқасида, Илмий кенгашнинг 2 нафар аъзоси ОАК билан келишилган ҳолда расмий оппонент бўлиши мумкин.

Расмий оппонентлар турли ташкилотларнинг ходимлари бўлиши лозим.

46. Қуйидагилар расмий оппонент бўла олмайдилар:

ОАК Раёсати аъзолари;

ОАК аппарати ходимлари;

ОАК эксперт кенгашлари аъзолари (эксперт кенгаши йўналишидаги диссертациялар бўйича);

диссертацияни кўриб чиқаётган Илмий кенгаш раиси, раис ўринбосари ва илмий котиби;

Олдинги таҳтирга қаранг.

талабгорнинг илмий раҳбари (консультанти);

(46-банднинг олтинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартағи 295/8-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳтирида — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон)

талабгорнинг илмий ишлари ҳаммуаллифлари;

Олдинги таҳтирга қаранг.

диссертация бажарилган, талабгорнинг асосий иш жойи ёки хузурида Илмий кенгаш фаолият кўрсатаётган ёхуд илмий-тадқиқот ишлари бўйича талабор буюртмачи ёки ижрочи (шерик ижрочи) бўлган илмий ҳамда таълим ташкилотларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

(46-банднинг саккизинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

талабор ишлаётган кафедра, лаборатория, сектор ёки бўлим ходимлари.

Зарур ҳолларда, Илмий кенгаш раисининг ўринбосари ёки илмий котиби ОАКнинг рухсати билан расмий оппонент қилиб тайинланиши мумкин.

47. Расмий оппонент диссертация, диссертация автореферати ва диссертация мавзуси бўйича эълон қилинган ишларни ўрганиб чиқиб, ўз фикрини Илмий кенгашга тақриз шаклида тақдим этади. Тақризда танланган мавзунинг долзарблиги, диссертацияда келтирилган илмий тафсилот, асосий натижалар, хулоса ҳамда амалий ва назарий тавсиялар қай даражада асосланганлиги ва янгилиги, шунингдек диссертациянинг унга қўйилган талабларга мувофиқлиги акс эттирилади.

Расмий оппонентларнинг тақризи нусхалари Илмий кенгаш томонидан диссертация ҳимоясидан камида 5 кун олдин талабгорга топширилиши керак.

Расмий оппонент ўзи тайёрлаган тақризнинг холис ва сифатли бўлиши ҳамда Илмий кенгаш белгилаган муддатда тақдим этилиши учун масъулдир.

Расмий оппонентнинг тақризи унга қўйилган талабларга жавоб бермаган тақдирда, Илмий кенгаш тақризни қайта ишлаш учун расмий оппонентга қайтариб беришга ёки расмий оппонентни алмаштиришга ҳақли. Бунда диссертация ҳимояси бошқа кунга қолдирилади.

48. Илмий кенгаш томонидан диссертация юзасидан етакчи ташкилот сифатида тегишли фан ёки иқтисодиёт тармоқларида ўз ютуқлари билан танилган салоҳиятли ташкилот тайинланади. Етакчи ташкилотлар рўйхати тегишли Илмий кенгаш тавсияси асосида ОАК томонидан тасдиқланади.

49. Қўйидаги ташкилотлар етакчи ташкилот бўлиши мумкин эмас:

диссертация бажарилган муассасаса;

талабор ишлаётган ташкилот;

талабгорнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича буюртмачи, ижрочи (шерик ижрочи) бўлган ташкилот;

хузурида Илмий кенгаш фаолият юритаётган муассасаса;

Олдинги таҳрирга қаранг.

расмий оппонентлар ва илмий раҳбарнинг (консультантнинг) асосий иш жойи бўлган ташкилот.

(49-банднинг олтинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартағи 295/8-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳририда — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон)

50. Етакчи ташкилотнинг тақризида талабор эришган натижаларнинг фан ва ишлаб чиқариш учун аҳамияти акс эттирилиши, шунингдек диссертация натижалари ва хулосаларидан фойдаланилганлиги тўғрисида маълумот ва фойдаланишга доир аниқ тавсиялар бўлиши керак.

Етакчи ташкилотнинг тақризи илмий семинар баённомасидан кенгайтирилган батафсил кўчирма шаклида ёзилиб, илмий семинар раиси ва илмий котиби томонидан имзоланади ҳамда шу ташкилот раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланади. Улар тақризнинг сифати ва холислиги учун шахсан масъулдир.

Етакчи ташкилот тақризининг нусхаси Илмий кенгаш томонидан диссертация ҳимоясидан камида 5 кун олдин талабгорга топширилади.

51. Етакчи ташкилотнинг тақризи унга қўйилган талабга жавоб бермаган тақдирда, Илмий кенгаш уни етакчи ташкилотга қайтариш ёки етакчи ташкилотни алмаштиришга ҳақли. У ҳолда диссертация ҳимояси бошқа кунга қолдирилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

52. Илмий кенгаш томонидан хорижий мамлакатларнинг тегишли таълим муассасалари ва илмий марказлари келишув асосида етакчи ташкилот, чет эллик таниқли мутахассис-олим эса, унинг розилиги билан диссертация ҳимояси юзасидан расмий оппонент этиб тайинланиши мумкин.

(52-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартағи 295/8-сонли қарори* (рўйхат рақами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон)

53. Диссертация ҳимояга қабул қилингандан сўнг ундаги аниқланган ноаниқликлар ва хатоларни тузатишга йўл қўйилмайди.

54. Диссертацияни ҳимояга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ва диссертация автореферати чоп этилишидан олдин Илмий кенгаш диссертация ҳимояси тўғрисида ОАК веб-сайтида эълон бериш учун ОАКга мазкур Низомнинг **4-иловасида** келтирилган ҳужжатларни тақдим этади.

Диссертация ҳимояси ҳақида эълон тегишли ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан 15 кун ичida ОАКда тегишли ҳужжатлар меъёрий-техник экспертизадан ўтказилиб, талабларга мувофиқ бўлган тақдирда ОАК веб-сайтига жойлаштирилади.

ОАК меъёрий-техник экспертиза жараённида диссертация ва авторефератда кўчирмачилик (плагиат) ҳолатини аниқлашнинг электрон экспертизасини ташкил қиласди. Бунда кўчирмачилик (плагиат) бўйича ҳар қандай ҳол (ҳоллар) аниқланган тақдирда, ҳужжатлар Илмий кенгашга қайтарилади ва диссертация муҳокамадан олиб ташланади.

55. Диссертация ҳимояси тўғрисида ОАК веб-сайтида эълон берилганидан кейин Илмий кенгаш раиси томонидан диссертация авторефератини қўлёзма ҳуқуки билан чоп этишга рухсат берилади ва диссертация ҳимоя қилинадиган кун тайинланади. Диссертация авторефератининг тўлиқ матни Илмий кенгашнинг илмий котиби томонидан ҳузурида Илмий кенгаш фаолият юритаётган муассасанинг веб-сайтига жойлаштирилиши, «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғига жойлаштириш учун юборилиши таъминланади.

56. Диссертация ҳимояси ОАК веб-сайтида эълон берилгандан сўнг 40 кун ичida ўтказилиши шарт. Мазкур талаб Илмий кенгаш томонидан бажарилмаган тақдирда, диссертация ҳимоясини ўтказишга рухсат бериш масаласи ОАК Раёсати томонидан ҳал этилади.

57. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати ўзбек ва рус ёки инглиз тилларида 2 босма табоқ, ҳар бир тилда 1 босма табоқ ҳажмда тайёрланиб, унинг учинчи (рус ёки инглиз) тилидаги қисқача мазмуни ҳам берилади.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати ўзбек ва рус ёки инглиз тилларида 3 босма табоқ, ҳар бир тилда 1,5 босма табоқ ҳажмда тайёрланиб, унинг учинчи (рус ёки инглиз) тилидаги қисқача мазмуни ҳам берилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Диссертация автореферати Илмий кенгаш раисининг рухсати билан чоп этилади. Таржиманинг аниқлиги ва тўғрилиги учун талабгор, илмий раҳбар (консультант), диссертация бажарилган муассаса ва Илмий кенгаш масъулдир.

(57-банднинг учинчи хатбоишиси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартағи 295/8-сонли қарори* (рўйхат рақами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон)

Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги диссертация авторефератининг ҳажми кўпи билан 30 фоизга оширилиши мумкин.

Диссертация авторефератида диссертациянинг асосий ғояси ва хулосалари, янги илмий йўналиш ёки иқтисодиёт тармоғи муаммоси ечими баён қилинган, ўтказилган тадқиқотга талабгорнинг қўшган ҳиссаси, тадқиқот натижаларининг қай даражада янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилиши керак.

Диссертация автореферати камидаги 60 нусхада чоп этилади.

58. Диссертациянинг бир нусхаси Илмий кенгаш томонидан у ҳимояга қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичида, диссертация авторефератининг икки нусхаси эса, ҳимоядан камидаги 12 кун олдин хузурида Илмий кенгаш тузилган муассасанинг Ахборот-ресурс марказига топширилади ва бу ерда улар қўлёзма хукуқи билан доимий сақланади.

59. Диссертация ҳимояси ўтказиладиган манзил, кун ва аниқ вақт ҳимоядан камидаги 12 кун олдин хузурида Илмий кенгаш фаолият юритаётган муассасанинг веб-сайти орқали маълум қилинади, шунингдек мазкур Низомнинг **5-иловасида** кўрсатилган диссертация автореферати юборилиши шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига ҳамда Илмий кенгаш томонидан тасдиқланадиган қўшимча рўйхатга асосан диссертация автореферати тарқатилади.

Илмий кенгаш томонидан тасдиқланган қўшимча рўйхатга Илмий кенгаш аъзолари, тегишли фан соҳалари бўйича илмий-мувофиқлаштирувчи марказлар, манфаатдор ташкилотлар ҳамда етакчи мутахассис-олимлар киритилади.

60. Диссертация автореферати Илмий кенгаш аъзолари ва ОАКга реестр асосида Илмий кенгаш илмий котиби томонидан топширилади, расмий оппонентлар ва етакчи ташкилотга кузатув хати орқали етказилади. Диссертация автореферати тарқатилиши шарт бўлган ташкилотлар ҳамда Илмий кенгаш тасдиқлаган рўйхат бўйича қолган шахсларга почта алоқаси бўлими орқали юборилади.

Илмий кенгашнинг ҳар бир аъзоси диссертация автореферати ва Илмий кенгаш фаолият юритаётган муассасанинг Ахборот-ресурс марказида сақланаётган диссертация билан батафсил танишиб чиқиши шарт. Илмий кенгаш аъзолари томонидан диссертация автореферати бўйича диссертация юзасидан тақриз берилиши мумкин.

6-боб. Диссертацияни ҳимоя қилиш юзасидан Илмий кенгаш мажлисини ўтказиш

61. Диссертацияни илмий жамоатчилик олдида ҳимоя қилиш жараёни илмий баҳс билан, юксак талабчанлик, қатъийлик, илмий ахлоқ-одобга риоя этилган ҳолда ўтиши, унда диссертациядаги барча илмий ва амалий хулоса ҳамда тавсияларнинг асосланганлиги таҳлил қилиниши лозим.

Олдинги таҳрирга қаранг.

62. Илмий кенгаш мажлислари Илмий кенгаш раиси раҳбарлигига ўтказилади. Илмий кенгаш раиси, раис ўринбосари ва илмий котиби ўзи илмий раҳбар (консультант) бўлган талабгорнинг диссертацияси ҳимояси ўтказилаётганда, Илмий кенгаш мажлисида ушбу вазифаларни бажариши мумкин эмас. Бунда уларнинг вазифасини бажариш хузурида Илмий кенгаш фаолият юритаётган муассаса раҳбарининг буйруғи билан Илмий кенгаш аъзоларидан бирининг зиммасига вақтинча юклатилади.

(62-банднинг биринчи хатбоиши ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 марта даги 295/8-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон)

Бир вақтнинг ўзида раис, раис ўринбосари ва илмий котиб ҳам бўлмаса, Илмий кенгаш мажлиси ўтказилмайди.

63. Илмий кенгаш мажлиси очилишидан олдин Илмий семинар томонидан тайёрланган Илмий кенгаш хулоаси лойиҳаси Илмий кенгаш аъзоларига тарқатилади.

64. Илмий кенгаш мажлиси унинг ишида аъзоларининг камидаги учдан икки қисми ва унда ҳимоя қилинаётган фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертациянинг (ҳар бир) ихтисослиги бўйича камидаги 3 нафар фан доктори, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертациянинг (ҳар бир) ихтисослиги бўйича эса, камидаги 2 нафар фан доктори ва 1 нафар фалсафа доктори (PhD) иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Илмий кенгаш аъзоларининг мажлисда иштирок этаётганлиги ҳамда уларнинг Илмий кенгашдаги ихтисослиги, илмий даражалари мажлис стенограммасида қайд этилади.

65. Илмий кенгаш мажлиси очилгандан сўнг раис мазкур Низомнинг **6-иловасига** мувофиқ шаклдаги Илмий кенгаш аъзоларининг қайд варақаси асосида мажлиснинг ваколатлилигини, диссертация мавзусини, расмий оппонентларнинг исм ва фамилияларини ҳамда етакчи ташкилот номини эълон қилади. Шундан сўнг илмий котиб томонидан талабгор топширган хужжатларнинг асосий мазмуни ва уларнинг белгиланган талабларга қай даражада мувофиқ келиши ҳақида маълумот берилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

66. Талабгорга диссертациянинг моҳияти ва асосий ҳолатларини баён этиш ҳамда саволларга жавоб бериш учун сўз берилади. Илмий раҳбар (консультант) талабгордан кейин сўзга чиқади.

(*66-банднинг биринчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартағи 295/8-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон*)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Илмий раҳбар (консультант) ўз фикрини яқунлагач, илмий котиб томонидан диссертация бажарилган муассасанинг ва Илмий семинарнинг хulosалари, етакчи ташкилот тақризи, диссертация ва диссертация автореферати бўйича Илмий кенгашга келиб тушган бошқа тақризлар ўқиб эшиттирилади.

(*66-банднинг иккинчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартағи 295/8-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон*)

Илмий кенгашга диссертация ва диссертация автореферати бўйича кўп ижобий тақризлар келиб тушган тақдирда, Илмий кенгаш аъзоларининг розилиги билан илмий котиб томонидан тақризларда қайд этилган фикрлар қисқача баён қилинади, салбий тақризлар эса, тўлиқ ўқиб эшиттирилади. Тақризлар ўқиб эшиттирилгач, талабгорга сўз берилади. Талабгордан сўнг диссертация бўйича расмий оппонентлар сўзга чиқади. Ҳар бир расмий оппонентнинг нутқидан кейин талабгорга сўз берилади.

67. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоясида, қоида тариқасида, расмий оппонентларнинг ҳаммаси қатнашиши шарт.

Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертацияга ижобий тақриз берган битта расмий оппонент узрли сабабларга кўра диссертация ҳимоясида иштирок эта олмаган тақдирда, ҳимояга рухсат берилади. Бунда ушбу оппонентнинг тақризи илмий котиб томонидан Илмий кенгаш мажлисида тўлиқ ўқиб эшиттирилади.

68. Илмий кенгаш аъзолари ва мажлисда қатнашаётганларнинг барчаси илмий мунозарада иштирок этиш хуқукига эга.

69. Диссертация ҳимояси ва мунозаралар тугагандан сўнг илмий даража бериш тўғрисидаги масала Илмий кенгаш томонидан яширин овоз бериш йўли билан ҳал этилади.

70. Яширин овоз бериш мазкур Низомнинг **7-иловасига** мувофиқ шаклдаги бюллетень асосида ҳисоб комиссияси томонидан ўтказилади.

71. Ҳисоб комиссияси З кишидан иборат таркибда Илмий кенгаш мажлисида иштирок этаётган ва ҳал қилувчи овозга эга бўлган Илмий кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш йўли билан сайланади.

72. Яширин овоз беришда Илмий кенгаш мажлисида иштирок этаётган ва ҳал қилувчи овозга эга бўлган Илмий кенгаш аъзолари қатнашади ва уларга ҳисоб комиссияси томонидан қайднома асосида бюллетенъ берилади.

Диссертация ҳимоясига кечикиб келган ёки ҳимоя тугашидан олдин кетиб қолган Илмий кенгаш аъзолари кворумни аниқлашда ҳисобга олинмайди ва яширин овоз беришда иштирок этмайди.

Ўзи аъзо бўлган Илмий кенгашда диссертация химоя қилаётган талабгор овоз беришда иштирок этмайди ва мажлисдаги Илмий кенгаш аъзоларининг рўйхатида ҳисобга олинмайди.

73. Овоз бериш якунлангач, ҳисоб комиссияси аъзолари томонидан қутича очилиб, бюллетенлар саналади ва овоз бериш натижалари юзасидан мазкур Низомнинг **8-иловасига** мувофиқ шаклдаги ҳисоб комиссияси мажлисининг баённомаси (бундан буён матнда ҳисоб комиссияси баённомаси деб юритилади) тузилади.

74. Тарқатилмаган бюллетенларга яширин овоз бериш бошланишидан олдин тегишли белги қўйилиб, ҳисоб комиссиясида қолдирилади ва қолган бюллетенлар ҳақида ҳисоб комиссияси баённомасида қайд қилинади. Фикрни аниқлаш имконини бермайдиган бюллетенлар яроқсиз деб топилади ва бу ҳақда ҳисоб комиссияси баённомасида қайд қилинади.

Ҳисоб комиссияси баённомаси расмийлаштирилгандан сўнг ҳисоб комиссияси томонидан барча бюллетенлар конвертга солиб муҳрланади ва ушбу баённомага илова қилинади. Ҳисоб комиссияси баённомаси яширин овоз беришда иштирок этган Илмий кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш орқали тасдиқланади.

Ҳисоб комиссияси баённомаси тасдиқланмаган тақдирда, диссертация муҳокамаси давом эттирилади. Бунда ҳисоб комиссияси томонидан янги бюллетенлар тайёрланади ва белгиланган тартибида яширин овоз бериш қайта ўтказилади.

Ҳисоб комиссиясининг ишлаш тартиби бузилган тақдирда, ҳисоб комиссияси баённомасини тасдиқламаслик масаласи Илмий кенгаш томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

75. Ҳисоб комиссияси баённомаси тасдиқлангандан сўнг илмий даража бериш масаласида ижобий қарор қабул қилинганда, Илмий кенгаш хulosаси лойиҳаси муҳокамага қўйилади.

76. Диссертация юзасидан Илмий кенгаш хulosасида қўйидагилар акс эттирилади:
талабгорнинг энг муҳим илмий натижалари;
илмий ва амалий натижаларнинг тўғрилиги ва янгилигига берилган баҳо;
диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти;
диссертация натижаларидан фойдаланилганлиги тўғрисида маълумот, фойдаланиш бўйича тавсиялар;
диссертациянинг унга қўйиладиган талаблардан қай бирига мослиги.

Хulosса очиқ овоз бериш йўли билан мажлисда иштирок этган Илмий кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Илмий даража бериш масаласи юзасидан салбий қарор қабул қилинганда, хulosса муҳокамага қўйилмайди.

77. Диссертациянинг натижаларини амалиётга (фан, техника, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳалар ва иқтисодиёт тармоқларининг бошқа соҳаларига) татбиқ қилинганлигини тасдиқловчи хужжатлар асосида талабгор томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар Илмий кенгаш томонидан муҳокама қилинади ва тасдиқланади.

78. Илмий кенгаш томонидан овоз бериш натижалари асосида илмий даража бериш ёки уни беришни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

79. Илмий даража бериш масаласи юзасидан унга мажлисда иштирок этган ва овоз бериш хуқуқига эга бўлган Илмий кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилганда, ижобий қарор қабул қилинган ҳисобланади.

80. Илмий кенгашнинг қарори ўқиб эшиттирилган, талабгорга якунловчи сўз берилади.

81. Илмий кенгаш томонидан ижобий қарор қабул қилинганда, диссертация химоясидан кейин 10 кун ичida мазкур Низомнинг **9-иловасида** келтирилган хужжатлардан иборат бўлган атtestация ишининг бир нусхаси ОАКга юборилади.

82. Атtestация ишининг иккинчи нусхаси муассаса сақланади.

7-боб. ОАК томонидан юборилган диссертацияни кўриб чиқиш юзасидан Илмий кенгаш мажлисини ўтказиши.

83. Қўшимча хulosса олиш учун ОАК томонидан юборилган диссертация 2 ой ичидаги Илмий кенгаш томонидан қўриб чиқилади. Ушбу масала Илмий кенгаш мажлисида қўриб чиқилишидан олдин Илмий кенгаш аъзоларидан иборат бўлган З кишилик комиссияга талабгорнинг диссертацияси, экспертизанинг олдинги босқичларида билдирилган танқидий фикрларни ўрганиб чиқиш ва тегишли хulosса лойиҳасини Илмий кенгашга тақдим этиш топширилади.

84. Талабгор ўз диссертацияси қўриб чиқилаётган Илмий кенгаш мажлисида таклиф этилади. Талабгор комиссиянинг хulosаси билан олдиндан таништирилган бўлиши керак. Мажлисда талабгорнинг расмий оппонентлари, етакчи ташкилот вакиллари, зарур ҳолларда Илмий кенгаш томонидан таклиф этиладиган бошқа шахслар иштирок этиши мумкин.

Илмий кенгаш аъзоларининг мажлисда иштирок этаётганлиги ҳамда уларнинг Илмий кенгашдаги ихтисослиги ва илмий даражалари мажлис стенограммасида қайд этилади.

85. Илмий кенгаш мажлисини очиш вақтида раис мажлиснинг ваколатлилиги ҳақида Илмий кенгаш аъзоларини хабардор қиласди.

Раис мажлисни очгандан сўнг мажлисда қўшимча хulosса олиш учун юборилган диссертация қўриб чиқилишини эълон қиласди, диссертациянинг мавзусини, диссертация ҳимояси ўтказилган Илмий кенгашни, расмий оппонентларнинг исм ва фамилиялари ҳамда етакчи ташкилотни кўрсатиб ўтади.

Илмий кенгашнинг илмий котиби томонидан диссертация бўйича экспертизанинг олдинги босқичларида айтилган танқидий фикрлар ҳақида маълумот берилади.

Талабгор томонидан диссертациянинг моҳияти ва асосий ҳолатлари баён этилади. Бунда талабгорга саволлар берилши мумкин.

86. Муҳокама комиссия аъзоларидан бирининг сўзга чиқиши билан бошланади. Илмий кенгаш мажлисида иштирок этаётган ҳар бир шахс сўзга чиқиш ҳуқуқига эга. Муҳокамадан сўнг талабгорга якунловчи сўз берилади ва Илмий кенгаш томонидан мазкур Низомнинг **70 — 74-бандларига** мувофиқ яширин овоз бериш ўтказилади.

Қўриб чиқилган масала юзасидан мажлисда иштирок этган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Илмий кенгаш аъзоларининг камидан учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилганда, Илмий кенгаш томонидан ижобий қарор қабул қилинган ҳисобланади.

87. Баённома тасдиқлангач, Илмий кенгаш очиқ овоз бериш йўли билан мажлисда иштирок этган Илмий кенгаш аъзоларининг қўпчилик овози билан қўшимча хulosса матнини қабул қиласди. Хulosада диссертация унга қўйиладиган талабларининг қай бирига жавоб бериши ёки жавоб бермаслиги кўрсатилади. Хulosса нусхаси талабгорга у тасдиқлангандан кейин берилади.

88. Яширин овоз бериш натижалари кўрсатилган ҳамда Илмий кенгаш раиси ва илмий котиби имзолаган стенограмма ва хulosанинг матни талабгорнинг диссертацияси билан бирга 10 кун ичидаги ОАКга юборилади.

8-боб. Илмий даражалардан маҳрум этиш ёки уларни тиклаш масалаларини қўриб чиқиши юзасидан Илмий кенгаш мажлисини ўтказиш

89. Илмий кенгаш мажлисига шахсни илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш масаласини қўйиш учун асос бўладиган материаллар тушган тақдирда, ушбу материалларнинг асослилигини ўрганиш Илмий кенгаш аъзолари орасидан камидан беш кишидан иборат таркибда тузиладиган комиссияга топширилади.

Ўрганиш натижаларига асосан комиссия томонидан хulosса чиқарилади ва хulosса Илмий кенгашда қўриб чиқиш учун топширилади. Комиссия тайёрлаган материаллар Илмий кенгаш томонидан бир ой ичидаги қўриб чиқилиши лозим.

90. Илмий кенгаш мажлиси илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш масаласи қўйилган шахс иштирокида ўтказилади. Шахс бу ҳақда мажлис ўтказилишидан камидан 10 кун олдин огоҳлантирилиши шарт. Агар шахс мажлисга узрсиз сабабларга қўра келмаса ёки мажлисга келишдан бош тортса, Илмий кенгаш томонидан унинг иштирокисиз мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Мазкур шахс узрли сабабларга қўра мажлисга кела олмаслиги ҳақида хабардор қилиб, мажлисни бошқа кунга ёки бошқа вақтга қолдириш ҳақида

олдиндан сўраб мурожаат қилганда, Илмий кенгаш мажлиси бошқа кунга ёки бошқа вақтга қолдирилади.

91. Илмий кенгаш раиси мажлисни очиш вақтида аъзоларни мажлиснинг ваколатлилиги тўғрисида хабардор қиласи ҳамда мажлисда илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш ҳақидаги масала кўриб чиқилишини эълон қиласи. Мазкур масала юзасидан комиссия аъзоларидан бири маъруза қиласи. Маъруза тугагач, илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш масаласи қўйилган шахсга сўз берилади. Илмий кенгаш мажлисида иштирок этганларнинг барчаси сўзга чиқиши ҳуқуқига эга.

92. Муҳокамадан сўнг Илмий кенгаш томонидан мазкур Низомнинг **70 — 74-бандларига** мувофиқ илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш юзасидан яширин овоз бериш ўтказилади. Илмий кенгашнинг илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш ҳақидаги қарори мажлисда иштирок этган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Илмий кенгаш аъзоларининг камидан учдан икки қисми томонидан ёқлаб овоз берилганда, қабул қилинган ҳисобланади.

93. Илмий кенгаш томонидан баённома тасдиқлангач, яширин овоз бериш натижаларига асосланган ҳолда очиқ овоз бериш йўли билан мажлисда иштирок этган Илмий кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қарор матни қабул қилинади. Карорда кўриб чиқилган материалларнинг моҳияти ва натижалари аниқ-равshan кўрсатилиши ҳамда ОАҚдан илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклашни сўраш учун етарли асос бор ёки йўқлиги тўғрисида хulosasi бўлиши лозим.

Яширин овоз бериш натижалари ҳамда Илмий кенгаш қарори илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш масаласи қўйилган шахсга дарҳол маълум қилиниши лозим.

94. Илмий кенгаш томонидан шахсни илмий даражадан маҳрум этиш ёки уни тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Илмий кенгаш раиси ва илмий котиби томонидан имзоланган Илмий кенгаш мажлиснинг стенограммаси ва яширин овоз бериш натижалари кўрсатилган хulosasi 10 кун ичida ОАҚга юборилади.

9-боб. Апелляцияни кўриб чиқиши юзасидан Илмий кенгаш мажлисини ўтказиш

95. Манфаатдор шахс (шахслар) Илмий кенгаш қарори юзасидан апелляция берганда, Илмий кенгаш раиси томонидан Илмий кенгаш аъзолари орасидан камидан беш кишидан иборат таркибда тузиладиган комиссияга зарур материалларни ўрганиб чиқиши ҳамда апелляция юзасидан Илмий кенгаш хulosasi лойиҳасини тайёрлаш топширилади.

Агар апелляция илмий даражада бериш бўйича Илмий кенгаш қарори юзасидан берилган бўлса, Илмий кенгаш раиси бир ҳафта ичida бу ҳақда ОАҚни хабардор қиласи.

Апелляция Илмий кенгаш томонидан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

96. Апелляция берган манфаатдор шахс (шахслар) мажлисдан камидан 5 кун олдин хабардор қилиниб, Илмий кенгаш мажлисига таклиф этилади. Апелляция берган шахс узрли сабабларга кўра келмаган тақдирда, Илмий кенгаш мажлиси бошқа вақтга ёки бошқа кунга кўчирилади. Апелляция берган шахс узрсиз сабабларга кўра Илмий кенгаш мажлисига келмаган тақдирда, мажлис унинг иштирокисиз ўтказилади.

97. Илмий кенгаш раиси томонидан мажлисни очиш вақтида мажлиснинг ваколатлилиги ҳақида маълум қилинади.

Илмий кенгаш аъзоларининг мажлисда иштирок этаётганлиги ҳамда уларнинг Илмий кенгашдаги ихтисослиги ва илмий даражалари мажлис стенограммасида қайд этилади.

Илмий кенгаш раиси мажлис очилгандан сўнг апелляция кўриб чиқилишини эълон қиласи ва уни ўқиб эшиттириш учун илмий котиба сўз беради. Комиссия аъзоларидан бири комиссиянинг иши натижаларини ҳамда апелляция юзасидан Илмий кенгаш хulosasi лойиҳасини ўқиб эшиттиради.

Илмий кенгаш мажлисида иштирок этаётганларнинг барчаси муҳокамада иштирок этиш ҳуқуқига эга.

98. Муҳокама тугагандан сўнг Илмий кенгаш ёпиқ овоз бериш асосида мажлисда иштирок этган ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Илмий кенгаш аъзоларининг камидан учдан икки қисмининг овози билан апелляция юзасидан хulosasi қабул қиласи.

Илмий кенгаш раиси ва илмий котиби томонидан имзоланган стенограмма ва яширин овоз бериш натижалари кўрсатилган апелляция юзасидан хулоса ҳамда кўриб чиқилган апелляция 10 кун ичидаги ОАКга юборилади.

10-боб. Якуний қоида

99. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги билан келишилган.

Келишилди:

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З. МИРЗАЕВ

2017 йил 29 май

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Р. КАСИМОВ

2017 йил 29 май

Халқ таълими вазири У. ИНОЯТОВ

2017 йил 29 май

Ташқи ишлар вазири А. КАМИЛОВ

2017 йил 29 май

Соғлиқни сақлаш вазири А. ШАДМАНОВ

2017 йил 29 май

Маданият вазири М. МУРАТОВ

2017 йил 30 май

Фанлар академияси президенти В. В. Б. ИБРАГИМОВ

2017 йил 30 май

Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р. КУРБАНОВ

2017 йил 30 май

Фан ва технологиялар агентлиги бош директори М. БОЛТАБАЕВ

2017 йил 30 май

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги **низомга**
1-ИЛОВА

Илмий кенгаш таркибига киритиш кўзда тутилаётган шахслар тўғрисидаги

МАЪЛУМОТ

(муассаса)

бўйича Илмий кенгаш таркибига киритиш кўзда тутилаётган шахслар:

T/p	Ф.И.О.	Туғилган йили, миллати, фуқаролиги	Асосий иш жойи, лавозими	Илмий даражаси (диссертация химоя қилинган	Илмий узвони (ихтисослиги)

(шифрлар, ихтисослик)

				ихтисослик шифри)	
1	2	3	4		5

Асосий иш жойи Илмий кенгаш тузилаётган муассаса бўлган илмий кенгаш аъзолари _____ та, бош
Ректор (директор) _____
(имзо)

Изоҳ:

1. Рўйхат бошида Илмий кенгаш раиси, раис ўринбосари, илмий котиблигига (Ф.И.О. дан кейин қавс ичида лавозимлар кўрсатилган ҳолда) номзодлар ҳақида маълумот берилади, сўнгра алифбо тартибида Илмий кенгаш аъзолигига номзодлар ҳақида маълумот берилади.

2. 7-устунда Илмий кенгаш аъзолигига номзодларнинг охирги уч йил ичидағи илмий ишларидан 5 та библиографик намуналар келтирилганда, унинг 6-устунда кўрсатилган ихтисослик бўйича малакаси борлиги кўрсатилиши лозим.

3. 8 ва 9-устунлардаги маълумот мазкур маълумотномага илова сифатида берилиши мумкин.
4. Мазкур маълумот бир нусхада топширилади.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Илмий кенгаш ёки диссертация бажарилган муассаса томонидан Бир марталик илмий
кенгаш тузиш бўйича ёки изланувчи томонидан илмий даражалар берувчи илмий
кенгашга тақдим этиладиган ҳужжатлар**

РЎЙХАТИ

1. Диссертация бажарилган муассасанинг диссертацияни ҳимояга қабул қилиш ёки Бир марталик илмий кенгаш тузиш ҳақида мурожаати.

2. Изланувчи тўғрисидаги объектив-маълумотнома ва унинг электрон шакли ёзилган CD-диск.

Олдинги таҳтирга қаранг.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарорига (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) асосан ўз кучини йўқотган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

Олдинги таҳтирга қаранг.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарорига (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) асосан ўз кучини йўқотган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

5. Малакавий имтиҳонларни топширганлиги ҳақида гувоҳномалар (фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига талабгор учун).

6. Диссертация бажарилган муассасанинг хulosаси.

7. Диссертация муҳокама қилинган ташкилотлар хulosалари (агар мавжуд бўлса).

8. Изланувчининг диссертация бажарилган муассаса томонидан тасдиқланган илмий ишлари рўйхати, асосий илмий ишлари нусхалари.

Олдинги таҳтирга қаранг.

9. Илмий раҳбар (консультант)нинг тақризи.

(9-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2021 йил 31 мартағи 295/8-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-4, 19.04.2021 й.) таҳтирида — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон)

10. Фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгор учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд унга тенглаштирилган бошқа илмий даража диссертацияси автореферати.

11. Ҳаммуаллифликдаги илмий ишларни диссертацияга тұла ёки қисман киритиш учун ҳаммуаллифларнинг ёзма равища билдирган розилиги.

12. Диссертация ва диссертация автореферати.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тұғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Илмий кенгашнинг 20
ХІС

хузу
(муассаса)

(илмий кенгаш шифри)

даги _____ -сон қарори билан тасдиқланган.

Илмий

ихтис

(ихтисослык шифри ва номи)

фанлар
(фан)

ихтис
(ихтисослык)

фанлар
(фан)

диссертацияларни қимояга қабул қилиб олишга рухсат этилған.

Хисоботда қўйидаги ма

1. Ўтказилған мажлислар сони.

2. Илмий кенгаш аъзоларининг мажлисларда иштирок этиш фаоллиги:

T/p	Илмий кенгаш аъзосининг Ф.И.О. (ихтисослык шифри)	Иштирок этган мажлислари сони	Мажлисларнинг умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида
	1	2	3

3. Ҳисобот йилида Илмий кенгаш кўриб чиққан диссертацияларнинг қисқача таҳлили ҳамда қўйи
кўриб чиқилған ишлар мавзусининг таҳлили ва мавзуларнинг иқтисодиёт тармоқларини ривожл
аниқлашга доир таклифлар;

кўриб чиқилган ишларнинг илмий натижаларидан иқтисодиёт тармоқларида қай даражада фойдаланади.

4. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси олиш учун топширилган ва кўриб чиқилган диссертацияларни ташкилотлардан берилади.

		I
		Фан таҳсилотлари
I		
Дастлабки босқичда муҳокамадан олинган ишлар		
Диссертация ҳимояси якунлари бўйича ижобий қарор чиқарилган ишлар		
Шу жумладан	бошқа ташкилотлардан	
	хорижий мамлакатлардан	
Диссертация ҳимояси якунлари бўйича салбий қарор чиқарилган ишлар		
Шу жумладан	бошқа ташкилотларда	
	хорижий мамлакатлардан	
Кўшимча хulosалар берилган ишлар		
Илмий кенгаш муҳокамасига берилган ишлар сони (20_____ йил 31 декабрь ҳолатига)		

Изоҳ:

1. Маълумотлар каср шаклида берилади, унинг суратида кўриб чиқилган диссертациялар сонини талабгорлар диссертацияларининг сони кўрсатилади.

5. Фан доктори (DSc) илмий даражаси олиш учун топширилган ва кўриб чиқилган диссертацияларни ташкилотлардан берилади.

		I
		Фан таҳсилотлари
I		
Дастлабки босқичда муҳокамадан олинган ишлар		
Диссертация ҳимояси якунлари бўйича ижобий қарор чиқарилган ишлар		
Шу жумладан	бошқа ташкилотлардан	
	хорижий мамлакатлардан	
Диссертация ҳимояси якунлари бўйича салбий қарор чиқарилган ишлар		
Шу жумладан	бошқа ташкилотларда	
	хорижий мамлакатлардан	
Кўшимча хulosалар берилган ишлар		

Илмий кенгаш муҳокамасига берилган ишлар сони (20_____ йил 31 декабрь ҳолатига)

Изоҳ:

1. Маълумотлар каср шаклида берилади, унинг суратида кўриб чиқилган диссертациялар сони, маълуматларининг сони кўрсатилади.

6. Илмий маъруза шаклида ҳимоя қилинган фан доктори (DSc) диссертациялари ҳимоялари тўғрисидаги

T/p	Ф.И.О.
	I

7. Туташ ихтиносликларда бажарилган диссертациялар бўйича ўтказилган ҳимоялар тўғрисидаги

T/p	Ф.И.О.	Илмий кенгашдаги ихтиносликлар
	I	2

2. Ихтиносликлар туташ келган мавзуда бажарилган диссертациялар учун ОАК қарорига асоссан, фақат шу ихтиносликларгина кўрсатилади.

8. Ташкил этилган Бир марталик илмий кенгашларда ҳимоя қилинган диссертациялар ҳақида маълумот:

T/p	Ф.И.О.	Илмий кенгашдаги ихтиносликлар
	I	2

9. Диссертация ҳимоясиз илмий даражада берилганлар ҳақида маълумот:

T/p	Ф.И.О.	Илмий кенгашдаги ихтиносликлар
	I	2

10. Илмий кенгашнинг веб-сайти бўйича тўлиқ маълумотлар.

11. Диссертация ҳимоялари тўғрисидаги республика марказий газеталарида берилган эълонлар тўйинлар.

12. Аттестация ишини такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар (мавжуд бўлса).

Илмий кенгаш раиси

(имзо)

Илмий кенгаш илмий котиби

(имзо)

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Диссертация ҳимояси ҳақида ОАК веб-сайтида эълон қилиш бўйича тақдим
этиладиган хужжатлар**

РЎЙХАТИ

- Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси имзолаган йўлланма хат.
- Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома ва унинг электрон шакли ёзилган CD-диск.

3. Диссертация ҳимояси ҳақида эълон матни ва унинг электрон шакли ёзилган CD-диск.
4. Диссертация илмий натижаларининг амалиётга жорий этилгани тўғрисида берилган хужжатларнинг нусхалари.
5. Диссертация авторефератининг қўллёзмаси ҳамда диссертация ва авторефератнинг электрон шакли ёзилган CD-диск.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги **низомга**
5-ИЛОВА

Диссертация автореферати юборилиши шарт бўлган ташкилотлар
РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси.

Олдинги таҳтирга қаранг.

4. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2018 йил 26 январдаги 249/6-сонли (рўйхат рақами 2893-1, 01.02.2018 й.) қарори таҳтирида — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.02.2018 й., 10/18/2893-1/0649-сон)

5. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси.
7. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.
8. Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси.
9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (юридик фанлар бўйича бажарилган ишлар).

Олдинги таҳтирга қаранг.

(10-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 28 июнданги 254/10-сонли қарорига (рўйхат рақами 2893-2, 16.07.2014 й.) асосан ўз кучини йўқотган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.07.2018 й., 10/18/2893-2/1522-сон)

Олдинги таҳтирга қаранг.

11. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузуридаги Судьялар олий мактаби (юридик фанлар бўйича бажарилган ишлар).

(11-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2020 йил 30 июлдаги 01-15/1106-сонли (рўйхат рақами 2893-3, 13.08.2020 й.) қарори таҳтирида — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.08.2020 й., 10/20/2893-3/1177-сон)

12. Инсон хуқуqlари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази (юридик фанлар бўйича бажарилган ишлар).

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси (тиббиёт ва фармацевтика фанлари бўйича бажарилган ишлар).

14. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг Миллий (Давлат) кутубхоналари.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги **низомга**
6-ИЛОВА

**Илмий кенгаш а
ҚАЙД ВАР**

ихтисослиги
(ихтисослик шифри)

(Ф.И.О.)

юзасидан

20 ____ йил _____ даги Илмий кенгаш мажлисининг _____-сон баённ

Т/р	Ф.И.О.	Илмий даражаси, Илмий кенгашдаги ихтисослик шифри
	1	2

Илмий кенгаш илмий котиби

(имзо)

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш түғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Яширин овоз бериш
БЮЛЛЕТЕНИ**

(Илмий кенгаши шифри)

Илмий кенгашнинг 20 ____ йил _____ даги мажлисининг _____-сон
баённомасига оид.

Талабгорнинг Ф.И.О.	Илмий даражага муносиб	Овоз бериш натижалари
		<i>Розиман</i> <i>Рози эмасман</i>

Изоҳ:

- «Илмий даражага муносиб» устунида фан тармоғи ва илмий даражага кўрсатилади.
- Бюллетенга имзо қўйилмайди. «Овоз бериш натижалари» устунида кераксиз сўз ўчириб ташланади.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш түғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**Ҳисоб комиссияси мажлисининг
БАЁННОМАСИ**

(Илмий кенгаши шифри)

20 ____ йил _____

(жой номи)

Сайланган комиссия таркиби:

(Ф.И.О.)

(Ф.И.О.)

Комиссия _____ нинг

(Ф.И.О.)

илмий даражасини олишга қўйилган диссертацияси юзасидан

(fan tarmog'i va ilmий daражаса)

яширин берилган овозларни санаш учун сайланган.

Илмий кенгаш таркиби _____ кишидан иборат этиб тасдиқланган.

Илмий кенгаш таркибиага ҳал қилувчи овоз бериш хукуки билан қўшимча равишда _____ киши киритилган.

Мажлисда Илмий кенгаш аъзоларидан _____ киши, шу жумладан кўриб чиқилаётган диссертация ихтинослиги бўйича _____ нафар фан доктори иштирок этди.

_____ та бюллетенъ тарқатилди.

_____ та бюллетенъ тарқатилмай қолди.

Қутичада _____ та бюллетенъ борлиги аниқланди.

Овоз бериш натижалари:

(Ф.И.О.)

га

ilmий daражасини

(fan tarmog'i va ilmий daражаса)

бериш бўйича қўйидагича овоз берилди:

тарафдорлар _____ та (_____ фоиз);

қаршилар _____ та (_____ фоиз);

яроқсиз деб топилган бюллетенлар _____ та (_____ фоиз).

Ҳисоб комиссияси раиси _____

(Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари: _____

(Ф.И.О.)

(Ф.И.О.)

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш томонидан ОАКга юбориладиган аттестация иши ҳужжатлари

РЎЙХАТИ

- Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси (мажлис раиси) томонидан имзолаган муассаса бланкидаги кузатув хати.
- Талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотнома.
- Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси (мажлис раиси) ва илмий котиби томонидан имзоланган Илмий кенгаш мажлиси стенограммасининг асл нусхаси (Илмий кенгаш аъзоларининг қайд варақаси стенограммага илова қилинади).
- Расмий оппонентларнинг ва етакчи ташкилотнинг такризлари.
- Диссертация ҳимояси тўғрисида ОАК веб-сайтида ёки «ОАК Бюллетени» журналида ҳамда республика марказий газетасида берилган эълон нусхалари.
- Диссертация натижаларидан амалиётда фойдаланилганлиги, фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

Олдинги таҳрирга қаранг.

(7-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги ННЛ-1874/21-сонли қарорига (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) асосан ўз кучини йўқотган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

- Талабгорнинг фаолияти ва аттестация тадбирлари натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар (малакавий имтиҳонларни топширганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларнинг асл нусхалари; ҳаммуаллифликдаги илмий ишларни диссертацияга тўла ёки қисман киритиш учун ҳаммуаллифларнинг ёзма равишида билдирган розилиги).

(8-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 5 январдаги IHL-1874/21-сонли қарори (рўйхат рақами 2893-5, 27.01.2022 й.) таҳририда — Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)

9. Диссертациянинг битта нусхаси ва диссертация авторефератининг иккита нусхаси ҳамда талабгорнинг асосий илмий ишлари нусхалари.

10. Фан доктори (DSc) илмий даражаси талабори учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд унга тенглаштирилган бошқа илмий даража диссертацияси автореферати.

11. Диссертация, диссертация автореферати ва талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотноманинг электрон шакли ёзилган CD-диск.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 568-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.02.2018 й., 10/18/2893-1/0649-сон, 17.07.2018 й., 10/18/2893-2/1522-сон; 13.08.2020 й., 10/20/2893-3/1177-сон; 19.04.2021 й., 10/21/2893-4/0349-сон; Конунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон; 27.01.2022 й., 10/22/2893-5/0090-сон)